

# **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича**

## **ХУЛОСА**

### **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси.

#### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши лойиҳаси.

#### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

Ташаббускорлик асосида.

#### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилаётган электротехника маҳсулотларини халқаро стандартлар асосида сертификатлаштириш орқали экспортга йўналтириш хамда республикамизга сифатсиз электротехника маҳсулотлари кириб келишини олдини олиш кўзда тутилган.

### **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

#### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари** – синов лабораторияси ва сертификатлаштириш билан шуғулланувчилар;

**давлат органлари гуруҳи** – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги;

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари** – “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси.

#### **6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуqlари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Фармойиш лойиҳасининг 2-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида:

молиялаштириш манбалари этиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан уюшма ҳисоб рақамига 50 миллиард сўм микдорида ажратиладиган маблағлар ва уюшманинг ўз маблағлари;

марказ “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таъсисчилигига ташкил этиладиган алоҳида юридик шахс ҳисобланиб, марказ учун қуриладиган бино ва унинг жиҳозларидан фойдаланиш шартномавий тартибда амалга оширилиши белгиланмоқда.

6.2. Фармойиш лойиҳасининг 7-бандида “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига ташкил этилаётган марказни жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини амалга ошириш усувларини мустақил танлаш, шунингдек, энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича танлов

асосида товар етказиб берувчилар ва ишларни бажарувчиларни белгилаш ҳуқуки берилиши кўрсатилган.

6.3. Фармойиш лойиҳасининг 9-бандида “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш давлат қўмитаси ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда республика ҳудудида контрафакт ва сифатсиз электротехника маҳсулотлари реализация қилинишининг олдини олиш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида доимий назорат харидлари ўтказилишини таъминлаш топширилмоқда.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёхли шартлар (шароитлар) белгилаши таъқиқланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли ““Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг талабларига кўра, битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

Шу муносабат билан, агар ушбу хизмат кўрсатиш бозорида бешта ва ундан ортиқ шу каби марказлар мавжуд бўлмаса, унда мазкур марказни давлат улуши иштирокида ташкил этиш зарур, чунки уни ташкил этилиши бюджетдан маблағларидан ажратилиши назарда тутилган.

Агар ушбу хизмат кўрсатиш бозорида бешта ва ундан ортиқ шу каби марказлар мавжуд бўлса, унда ушбу марказни танлов асосида энг яхши таклифларни танлаб олган ҳолда уни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш лозим ҳисобланади.

7.2. Фармойиш лойиҳасининг 7-банди электротехника маҳсулотларни синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш хизматларни кўрсатиш бозорида рақобатлашувчи хўжалик субъектларга нисбатан тенг бўлмаган шароитларни яратади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг талабларига зид ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, Фармойиш лойиҳасининг 7-бандини чиқариб ташлаш лозим ҳисобланади.

7.3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5817 Фармонининг 4-банди “а” кичик бандида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш

кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигига чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилиш ҳуқуқи берилган. Товарлар ва хизматлари, шунингдек хизмат кўрсатишнинг назорат харидини ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказилиши Агентликнинг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фармойиш лойиҳасининг 9-бандини чиқариб ташлаш зарур ҳисобланади.

#### **IV. ХУЛОСА**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Фармойиш лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ти Қонуни талабларига мослаштирган ҳолда ҳамда берилган таклифларни инобатта олиб ўзгартирган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.